11 июнь 2020

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№49 (398)

2020 йил 26 июнь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича **80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга**, жумладан **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг** (кейинги ўринларда – БМТ) **6 та асосий шартномаси** ва **4 та факультатив протоколига** қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни** тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги **халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш** бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш**, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида** белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар **Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларини амалга оширишга қаратилган **миллий ҳаракат режалари («йўл хариталари»)нинг сўзсиз бажарилишини** таъминлаш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган **чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали** БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини бажаришга **тўсқинлик қилаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш,таҳлил қилиш** ҳамда **бартараф этиш**;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни** амалга ошириш.

2. Халқаро ташкилотлар, жумладан, **БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда**, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича **долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш**, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда **кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида** ишлаб чиқилган:

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси** (кейинги ўринларда – Миллий стратегия) 1-иловага мувофиқ;

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»** (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ;

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:



«Ўзсаноатқурилишматериаллари»: ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА 3



ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ 4-5



ЛАҲЗАЛАРНИ ТАСВИРГА МУҲРЛАЁТГАНЛАР 6

## Қаршидаги ноқонуний қурилиш объектида бўлган ҳодиса бўйича РАСМИЙ МУНОСАБАТ





Жорий йилнинг 23 июнь куни Қарши шаҳри, И. Каримов кўчасидаги «Насаф Травел» меҳмонхонаси биносининг ўнг томонидан қўшимча қурилаётган 5 қаватли янги қурилиши якунланмаган бинонинг том қисмидаги том ёпма қурилмаси (бетон плита) қулаб тушган эди.

Ҳодиса Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ўрганилганида, «Насаф-Травел» компаниясига тегишли ушбу объектдаги қурилиш ишлари руйхатга олинмасдан, ноқонуний олиб борилгани маълум бўлди.

Буюртмачи «Насаф-Травел» компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сон қарорининг, 5-иловаси, яъни, «Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ҳақида хабарнома юбориш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти»га мувофиқ, Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясини хабардор этмаган.

Шунингдек, мазкур объект қурилиши бўйича Қарши шаҳар ҳокимининг 2018 йил 5 июндаги «Насаф-Травел» компаниясига тегишли 4566,92 квадрат метр ер майдонида жойлашган «Меҳмонхона ва ресторанни реконструкция қилишга ҳамда ўз ҳудудидан ёрдамчи бинолар қуришга рухсат этиш тўғрисида»ги қарори билан «объект атрофини тоза сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини доимий бажариш ҳамда объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун вилоят давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясидан рухсатнома олиш юклатилган» бўлсада, буюртмачи «Насаф-Травел» компанияси томонидан ушбу талаб бажарилмаган.

Инспекция томонидан ушбу объект қурилиши бўйича (2019 йил 29 ноябрда 30-сон ва 2020 йил 28 февралда 141-сон огоҳлантириш хати) буюртмачи «Насаф-Травел» компанияси бир неча бор огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, объектда ноқонуний қурилиш-монтаж ишларини давом эттириб, қурилиш меъёрларини қўпол равишда бузганлиги оқибатида мазкур ҳолат келиб чиққан. Тадбиркорлик субъекти қонунда кўрсатилган эркинликларни суистеъмол қилган ҳолда ноқонуний қурилиш ишларини амалга ошириб келган.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.**



## «ШАФФОФ ҚУРИЛИШ»: янги тизим синовдан ўтмоқда

### «ШАФФОФ ҚУРИЛИШ» МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ



**ТИЗИМДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД**

Манзилли дастурга киритилган қурилиш объектлари бўйича пудрат ташкилотларини аниқланиши, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқилиши, экспертизадан ўтказилиши, қурилиш жараёни устидан назоратни олиб борилиши, молиялаштирилиши ва объектни фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган жараённи онлайн кузатиб бориш ва назорат қилиш.

Бу эса, соҳада инсон фактори аралашувини камайтириб, коррупция ва бюрократик тўсиқларни олдини олиш билан шаффофликни таъминлайди.

**ИШТИРОК ЭТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР**

- Қурилиш, молия ва бошқа манфаатдор вазирликлар;
- Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси;
- Давлат хизматлари агентлиги;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат статистика қўмитаси;
- Буюртмачи ташкилотлар;
- Пудратчи ташкилотлар;
- Экспертиза ташкилотлари;
- Лойиҳа ташкилотлари ва институтлари.



### ТИЗИМНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ



**ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

Қурилиш соҳасига оид давлат хизматларидан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш, ички жараёнларни оптималлаштириш ва уларни реал вақтда назорат қилиш имкониятини яратади.

**ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ**

Экспертлар томонидан ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш жараёнларини автоматлаштиради ва барча аниқланган камчиликлар, киритилган ўзгартиришлар, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақланишини таъминлайди.





**ҚУРИЛИШ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Қурилиш объектларида назорат инспекторлари томонидан аниқланган барча камчиликларни фотосуратлари билан биргаликда онлайн равишда киритилишини ва назорат жараёнларини автоматлаштиради.

Барча маълумотларни ягона базада сақланишини таъминлайди.

**МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Қурилиш соҳасига тадбиқ қилинаётган ахборот тизимларидаги маълумотлар базалари асосида соҳани такомиллаштиришга оид таҳлилий ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш имкониятини яратади.





**ҲУЖЖАТЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОНЛАЙН ТАҚДИМ ЭТИШ**

Геопортал орқали давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш.

**ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ КАЛЬКУЛЯТОРИ**

Интерактив хизмат - қурувчи ташкилот ёки фуқароларга қурилиши режалаштирилган лойиҳа учун қурилиш жараёни тартиблари, шартлари ва босқичлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни билиб олиш имкониятини беради.




Батафсил 2-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда – Марказ) Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши юзасидан:

**мунтазам мониторинг** олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича **таклиф ва тавсияларни** тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

**доимий равишда** аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган **батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради**;

**ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган **маълумот киритади**;

**ахборот-таҳлилий шарҳлар** тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди;

б) «Йўл харитаси»да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги **маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Марказга тақдим этади**. Бунда, вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир;

в) Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан **ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида** вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Инсон ҳуқуқлари соҳасида **халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини** тузиш;

вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш**;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг **ҳудудлар кесимида** ижро этилиши юзасидан **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш** тавсия этилсин.

5. Марказнинг:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун **ҳар йили Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида топшириладиган «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишонини** таъсис этиш;

**ҳар икки йилда** юқори савияда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ва фахрий меҳмонлар иштирокида **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини** ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда**:

«Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини **2020 йилда** Самарқанд шаҳрида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Марказ:

**бир ой муддатда** Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва уни ўтказиш регламентини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда давлат олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасалар (университет, институт, марказ, факультет, курслар), шунингдек, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида **«Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари»** ва **«Бола ҳуқуқлари»** бўйича **ўқув курслари (дарсликлари)ни** жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

8. Белгилансинки, Марказ ходимларининг лавозим маошига фан номзоди ёки фалсафа доктори (**PhD**) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг **30 фоизигача**, фан доктори (**Doctor of Science**) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг **60 фоизигача** қўшимча ҳақ тўланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти **оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида** тушунтирилишини;

Миллий стратегиянинг амалга оширилиши тўғрисидаги **холис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини** таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ–4056-сон қарори билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 22 июнь

# «ШАФФОФ ҚУРИЛИШ»: янги тизим синовдан ўтмоқда

**2019 йилнинг 20 сентябрь куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4464-сонли қарори қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлашга қаратилганди.**




Қабул қилинган қарор асосида дастлаб Тошкент вилоятида, кейинчалик эса, яъни 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида реал вақт режимида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш имконини берувчи «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва тест режимида ишга тушириш белгилаб қўйилганди.

Жорий этилиши кўзда тутилган тизим орқали янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш объектлари бўйича амалга оширилиши белгиланган манзилли дастурларнинг ким томонидан, қаерда, қачон каби аҳолини қизиқтирадиган саволларга жавоб топиш имконияти бўлади.

Шунингдек, қурилиш объектлари бўйича буюртмачи, лойиҳа ва экспертиза ташкилотлари, пудратчи ҳамда назорат қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўла электрон базага киритилиши таъминланиб, жараёнлар давомида пайдо бўладиган камчиликлар тезда бартараф этилишининг имкони яратилади. Амалий техник ечимларга асосланган қурилиш соҳасини бошқариш тизимининг амалга ошиши натижасида коррупцияни камайтириш, асосий муносабатларни тартибга солишда янгича ёндашувни келтириб чиқаради. Пировард натижада республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бунёд бўлаётган қурилиш объектларининг эгаларига ўз вақтида, хавфсиз, сифатли ҳолда топширилиши таъминланади.

Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жорий йилнинг биринчи июнидан бошлаб республикамиз бўйлаб амалда бўлган шаффоф қурилиш электрон тизимини синов тариқасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга туширди. Иш бошлаган дастур 2021 йил 1 январгача республика миқёсидаги барча қурилиш жараёнларини ўз ичига қамраб олади.

– Шаффоф қурилиш автоматлаштирилган ахборот тизими ўз номига монанд қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлайди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бошқарма бош мутахассиси Жаҳонгир Анваров. – Мазкур геопортал орқали қурилиш соҳасида нафақат давлат назорати, балки жамоат назорати ҳам йўлга қўйилиб, у ҳудудларда бўлаётган қурилиш жараёнларининг ҳолатини, қонунийлигини акс эттириб туради. Архитектура ва қурилиш соҳасида берилаётган рухсатномалар шаффоф қурилиш тизимида алоҳида ҳар бир қурилиш органига ҳудудий туман қурилиш бўлимлари ва вилоят қурилиш бош бошқармаларига алоҳида ишчи кабинет яратилади. Барча тайёрланаётган ҳужжатлар, берилаётган рухсатномалар ана шу шаффоф қурилиш ишчи кабинетида шакллантирилади. Бу эса ўз-ўзидан ортиқча вақт сарфини олдини олади.

Соҳани тўлиқ қамраб олаётган рақамлаштириш жараёнлари бу энг аввало, шаффофлик эвазига эришиладиган сифат даражаси ва қолаверса, айнан назорат орқали сарфланадиган вақтнинг тежалиши демакдир. Натижадорлик фақат бу билан чекланиб қолмайди. Бу борада айнан ушбу тизимнинг афзалликларини билиш мақсадида мутахассис билан суҳбатда бўлдик.

– Тошкент шаҳар ва вилоятида ҳудудларни назорат тизими тажриба тарзида амалга оширилиб, бу жараён сентябрь ойига қадар давом этади. Хато, камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, улар бартараф этилади ва республика миқёсида татбиқ қилинади, – дейди Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бош мутахассиси Алижон Соатов. – Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва вилоятида жами 4 мингга яқин қурилиш объектлари бўлиб, уларнинг ҳужжатлари ҳозирда дастурга юкланган. Ҳар бир инспекторга планшетлар тақдим қилинади. Планшетнинг афзаллиги шундан иборатки, қурилиш объектига назоратчи кириб келгани планшетдаги ЖПС тизими орқали назоратга олинади. Инспектор қурилиш объекти ва ҳужжатларини планшетга юклайди, иштирокчиларини кўрсатади ва иштирокчиларга назоратчи келгани ҳақида маълум қилинади. Ушбу тизим босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилади. Маълумки, қурилиш жараёнида 4 нафар иштирокчи фаолият юритади. Улар давлат назорати ходимлари, лойиҳа ташкилотлари вакиллари, қурувчилар ва буюртмачилар. Дастур мана шу иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Қурилиш назоратида объектда иш бошлангач, назорат бошланди деган тугмача босилади ва қурилиш объектидаги лойиҳа ушбу мосламага юкланади. Назоратчи объектни ўрганиб чиқиш даврида масалан, маълум бир қурилиш колоннасининг олдига келганида ўша колоннанинг лойиҳасини кўрсатиб беради ва аниқланган камчиликлар шу ернинг ўзида ифода этилади. Яъни, камчиликларни шу ернинг ўзида расмга тушириб ёки видеотасвирга олиниб дастурга юкланади, хато ва камчиликларни ёзиб беради. Сўнгра, мессенжер сифатида аниқланган қоидабузарликлар керакли қурилиш иштирокчисига юборилади. Хато ва камчиликларни баратарф этиш тизими ҳам ҳудди шу тартибда амалга оширилади. Қурилиш иштирокчиларидан қурилиш объектларидаги камчиликлар бартараф этилгач, ўша ҳолат дастурга киритилади, фотосуратлар юкланади. Ушбу маълумотлар қурилиш соҳасидаги инспекторга юборилади. Инспектор қурилиш объектига келиб, қилинган ишларни кўриб чиқиб, «тасдиқлаб бериш» тугмасини босади. Ушбу тугма қурилиш объектидагина ишлайди. Тугмани офисда ёки бошқа жойда ишлатишнинг имкони мавжуд эмас.

Инспекторлар ишининг холислигини таъминлаш мақсадида республика инспекцияси қошида Комплаенс-назорат хизмати ташкил этилган бўлиб, у ерда 16 нафар ходим фаолият юритади. Улар инспекторларнинг қай даражада назорат олиб бораётганини таҳлил қилиб борадилар. Бу бўйича соҳада қанча қоидабузарликларга йўл қўйилган бўлса, ўша йўналишда йўл харитаси ишлаб чиқилиб, тегишли бўлим ва ҳудудий назорат инспекциялари бошлиқларига тақдим этилади ва улар томонидан мазкур камчиликлар такрорланмаслиги учун чора-тадбирлар белгиланади.

Давлат инспекторларининг ваколатларига объектни ўрганиб чиқиш, ижро ҳужжатларини кўриш, қурилиш иштирокчиларининг малака ва билимини ўрганиб чиқиш, уларга мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, маъмурий иш қўзғатиш кабилар киради. Масалан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона томонидан доимий равишда қоидабузарликларга йўл қўйилса, яъни сифатсиз маҳсулотларни етказиб бериш ҳолатлари кузатилса, ушбу корхона сертификат берган ташкилотга тақдимнома киритади. Бу тақдимнома сертификатни бекор қилишга қаратилган. Пудрат ташкилотларига нисабатан қоидабузарликлар, қўполликлар кузатилса, маъмурий жарималар белгиланади.

Қурилиш тизимининг рақамлаштирилиши инспекторларга ҳам катта қулайлик яратади. Қолаверса, бу орқали Қурилиш вазирлигида ҳам инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилиши таъминланади. Натижада коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади. Бу ўз навбатида тадбиркор пудратчиларнинг ҳам фаолияти енгиллашишига хизмат қилади.

– Давлат шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими кенг жамоатчиликни шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таништириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бу шаффоф қурилиш миллий ахборот тизимининг бир бўлаги ҳисобланади, – дейди «ЎзГАШКЛИТИ» лойиҳа ташкилоти ходими, геоахборот тизимининг ишлаб чиқилишида бевосита иштирок этган Азимжон Примов. – Бу жараён интеграллашган тарзда амалга оширилади. Шу вақтга қадар аҳолимизни шаҳарнинг ва ёки кўчаларнинг кенгайиб бориши, қайси объектлар «қизил чизиқ»қа тушадию қай бири йўқ, деган ҳақли ва хавотирли савол қийнаб келарди. Фикримизни Тошкент вилояти Искандар шаҳарчасининг бош режаси мисолида давом эттирсак. Фуқароларимиз онлайн режимида бош режа билан бевосита танишиб чиқиши мумкин бўлади. Бош режада шаҳарнинг мавжуд бўлган қисми кўрсатилган ва унинг кенгайиш чегаралари акс эттирилган. Ушбу ҳудудда кейинчалик кўп қаватли уйларнинг ва бошқа ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши қандай режалаштирилганига гувоҳ бўлиш, тизим орқали яна қандай бинолар қад кўтарганини билиш мумкин. Ҳозирги вақтда бу ерда бўш ер майдонлари мавжуд. Келажакда бу ерда қандай транспорт тизимлари татбиқ этилади деган саволга ҳар бир фуқаро уйдан чиқмаган ҳолда, интернет тармоғи орқали онлайн тарзда давлат шаҳарсозлик кадастри геопорталига кириб жавоб олишлари мумкин бўлади. Мазкур геопорталда «қизил чизиқлар», ҳудудлар, регламентлар ҳақидаги ахборотлар мавжуд. Масалан, тадбиркор аввалдан саноат ва ишлаб чиқариш ҳудудлари, ижтимоий инфратузилма объектлари қаерда жойлашгани, аҳоли яшаш жойлари қай тартибда ривожланаётгани ҳақида ахборот олиш имкониятига эга. Бугунги кунда мазкур тизим республикамиз миқёсида ишга туширилган бўлиб, уларга шаҳарларнинг бош режалари киритилган.

– Бугунги кунда юртимизда бошқа соҳалар қатори қурилиш жараёнларига ҳам замонавий ахборот технологияларининг кенг татбиқ этилиши биз қурувчиларга катта имкониятлар яратиб бермоқда, – дейди қурилиш ташкилоти раҳбари Фазлиддин Қўчқоров. – Қурилишга оид ҳужжатлардан, қурилиш соҳасидаги хато ва камчиликлардан тез фурсатларда хабардор бўлишимиз бизни келгусида сифатли ва самарали фаолият юритишимизга замин яратади. Қолаверса, ушбу тизимнинг жорий этилиши вақтимиз бесамар кетмаслигига шароит яратиб беради. Ҳужжатларни қурилиш объектидан ташқарига чиқмаган ҳолда расмийлаштириш имконияти қолган вақтимизнинг қурилиш сифати ва назоратига сарфлашимизга сабаб бўлади. Бугунги кунда қурилиш жараёнларига замонавий технологияларни қўлламоқдамиз. Яъни, биноларнинг ташқи фасадлари янгича услубларда қурилмоқда.

Яхлит аборот тизими бир вақтнинг ўзида маълумотларни йиғиб, уларни такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Шаффоф қурилиш тизимининг Ўзбекистонга кириб келганига ҳали кўп фурсат бўлмади. Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказида дастурнинг қандай амалга оширилаётгани назорат қилинади.

– Ушбу тизимнинг асосий мақсади барча қурилиш объектлари бўйича тўлиқ маълумотларни шакллантириш, яъни лойиҳаолди ҳужжатларидан бошлаб, уни то объект эксплуатациясига қадар бўлган барча маълумотларни ягона тизимда жамлашдан иборат, – дейди марказ раҳбари Санжар Абдуғаниев. – Бу ўз ўрнида бизга тизим орқали муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни қисқа муддатларда бартараф этиш имкониятини беради. Қоғозбозликнинг олдини олишга, киритилаётган маълумотларни аудит қилиш орқали эса коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдамлашади. Шаффоф қурилиш тизими босқичма-босқич амалга оширилиб, ушбу маълумотлар базасини рақамлаштириш бизнинг асосий мақсадимиз. Биринчи навбатда, ички жараёнлар, яъни қурилиш сифатини назорат қилиш, ҳужжатлар экспертизасини белгилаб олганмиз. Кейинги босқичларда эса бошқа давлат идораларининг маълумотларини интеграция қилган ҳолда ушбу тизимни такомиллаштириш режаларимиз бор. Тизим ҳозирда қурилиш жараёнларида иштирок этувчи давлат идораларининг вакиллари кесимида амалга оширилмоқда. Маълумотлар шакллантирилгач, интерактив харита ишлаб чиқилади ва унда республика ҳудуди аҳолиси учун қаерда қандай бунёдкорликлар амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Маҳаллий тадбиркорлар ва хорижлик инвесторлар учун Қурилиш вазирлиги расмий сайтида интерактив хизмат ишга тушди. Ушбу янгилик инвестор учун республикада қурилишни амалга ошириш учун қандай имкониятлар мавжудлигини ҳисоблаб берувчи калькулятордан иборат. Бирон-бир объектни бунёд этиш жараёнларида қайси босқичлардан ўтиш лозим, бу босқичларнинг самараси қандай бўлади, қандай вақт ва маблағ сарф этилади каби саволларга жавобни тадбиркор калькулятор орқали билиб олиши мумкин. Яқин кунларда мазкур калькулятор ҳам ишга тушади.

Мутахассисларнинг фикрича, қурилиш соҳасида маҳаллий нормативларни халқаро стандартлар билан ўзаро уйғунлаштириш зарур. Жорий йилда шу мақсад йўлида 60 та янги нормаларни ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этиш режалаштирилган. Шу тарзда қурилишда аввалгилардан тубдан фарқ қиладиган янгича ёндошув вужудга келади.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## «Ўзсаноатқурилишматериаллари»:

# ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

**Миллий матбуот марказида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан ташкил этилган анжуманда уюшма мутасаддилари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**




Анжуманда уюшма мутасаддилари сўзга чиқиб, мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланганини таъкидладилар. Бунинг натижасида барча соҳаларда хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони ортиб, жумладан, қурилиш материаллари саноатида хорижий сармоядорларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш орқали йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратдилар.

Маълум қилинганидек, уюшма томонидан 2017-2019 йилларда Давлат инвестиция дастурларига асосан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган умумий қиймати 238,5 млн АҚШ доллари бўлган 18 та йирик инвестицион лойиҳа ишга туширилди ва бунинг натижасида 2 198 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Ангрен ЭИЗ ҳудудида умумий қиймати 38 млн АҚШ доллари бўлган «Run Tong Metal Industrial» МЧЖда йилига 180 минг тонна металл арматура ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, «Great Wall Ceramic Industry» МЧЖ ҚКда йилига 200 минг дона керамик санитар-техник буюмлар, Хоразм вилоятида «New Best Style» МЧЖда эса йилига 1 млн 800 минг рулон гулқоғоз ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Булардан ташқари, «Евро Глобал Инвест» МЧЖ корхонасида 180 минг квадрат метр йирик панелли темир-бетон маҳсулотлари, «Оҳангаронцемент» АЖда 90 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари, Самарқанд вилоятида «Прайм Керамикс» МЧЖда 2,8 млн квадрат метрлик ва Тошкент шаҳридаги «Ориент Керамик» МЧЖда 3,6 млн квадрат метрга тенг бўлган йирик ўлчамли керамик плиткалар ишлаб чиқариш ҳамда «Қизилқумцемент» АЖда 500 минг тонна клинкер майдалаш тегирмонини қуриш лойиҳалари ишга туширилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан, 2019 йилда умумий қиймати 5,8 трлн сўмлик жами 626 та лойиҳалар ишга туширилди ва натижада 11 240 та янги иш ўринлари яратилди.

Матбуот анжуманида келгусидаги истиқболли режалар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар тақдим этилди. Қайд этилганидек, 2020-2022 йиллар учун тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан умумий қиймати 3 942,4 млн АҚШ долларига тенг 94 та йирик лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Жорий йилда умумий қиймати 915,9 млн АҚШ доллари бўлган 47 та инвестицион лойиҳалар ишга туширилади ва 4 331 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳалардан қиймати 868,5 млн АҚШ долларилик 17 та лойиҳа уюшма томонидан шакллантирилган бўлиб, шундан 281,4 млн АҚШ доллари қийматидаги 8 та йирик инвестицион лойиҳалар ишга туширилиб, бунинг натижасида 1 340 та янги иш ўринлари яратилади.

– «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Инвестиция дастури доирасида 2020 йилнинг I чорагида 17 та лойиҳа бўйича жами 39,1 млн АҚШ доллари, шундан 35,3, млн АҚШ доллари хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилди, – деди уюшма бошқаруви раисининг ўринбосари Улуғбек Абраев. – 2020 йил якунига қадар бевосита уюшма томонидан Инвестиция дастурига киритилган 17 та лойиҳалардан 8 тасини ишга тушириш ва 1 340 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, «Кварц» АЖда 70,2 млн АҚШ доллари инвестиция ҳисобига йилига 22,2 млн квадрат метр флоат ойна ишлаб чиқариш бўйича янги линияни қуриш, «Бекободцемент» АЖда 10,0 млн АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига йилига 500 млн тонна қувватига эга цемент тегирмонини барпо қилиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, «Оҳангаронцемент» АЖда 160,0 млн АҚШ доллари инвестиция ҳисобига йилига 2,4 млн тонна цемент ишлаб чиқариш бўйича янги линияни, Ўрта Чирчиқ туманида «Тошкент темир-бетон ва уй қурилиш комбинати» УКда 20,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига йилига 120 минг куб метр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қайд этилганидек, уюшма томонидан Давлат инвестиция ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ички бозорни сифатли қурилиш материаллари билан тўлдириш ҳамда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2019 йилда 8 млн квадрат метр керамик плиткалар, 656,3 минг ўрам обой, 38,2 млн квадрат метр гипсокартон, 10 992 тонна цемент, 18,8 млн квадрат метр қурилиш ойнаси, 111,9 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаси, 101,2 минг тонна оҳак каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 2019 йилда керамик плиткалар, гипсокартон листлари, бетон ва сунъий тош маҳсулотлари, қурилиш ғиштлари, блоклар, керамик тошлар, брусчатка, бордюр тошлари, тошдан тайёрланган плиталар, оҳак каби қурилиш материалларига бўлган ички талаб тўлиқ қопланди ва 139 млн АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Жорий йилда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида қурилиш ойнаси, сантехника буюмлари, лок-буёқ маҳсулотлари, цемент ва иссиқлик сақловчи материаллар каби қурилиш материалларига бўлган ички талабни қоплаш бўйича қувватлар яратилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги қарорига асосан АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорликда 500 млн АҚШ долларилик хорижий кредит линиялар ҳисобидан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади. ТИФ Миллий банки билан ҳамкорликда 150 млн АҚШ доллари пардозбоп тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳалари, АТИБ «Ипотека-банк» билан биргаликда керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўналишидаги 150 млн АҚШ долларилик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

## 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

## № 2020-06

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2020 йил 26 июнь.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Фарғона вилояти ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

| Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази |
|---|
| **Манзил:** Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй.<br>**Телефон:** (73) 244-68-91.<br>**Факс:** (73) 224-68-92. |

**5. Танлов ҳужжатларинн нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______вилояти, _________тумани, ____________массивидаги, _________ лот ____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 (бир) БҲМга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Фарғона вилояти |
|---|
| **Банк:** АТБ «InFinBank» Фарғона шаҳри филиали<br>**Ҳ/р:** 2021 0000 2037 6761 8001<br>**СТИР:** 202 529 457 |

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 $м^2$) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**7. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Фарғона вилояти ҳокимлиги |
|---|
| **Манзил:** Фарғона шаҳри,<br>А. Навоий кўчаси, 15.<br>**Телефон:** (73) 244-33-77.<br>**Факс:** (73) 242-33-77. |

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми, $м^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари, $м^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони, $м^2$ |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 600 000 000 | 2 200 000 000 | 200 | 350 | 600 |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 250 | 450 | 800 |
| Етти қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 4 550 000 000 | 3 300 000 000 | 350 | 600 | 1200 |
| Тўққиз қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 5 850 000 000 | 4 950 000 000 | 450 | 750 | 1500 |
| Ўн икки қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 800 000 000 | 6 600 000 000 | 600 | 900 | 2000 |
| Ўн олти қаватли ва ундан юқори кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 10 400 000 000 | 8 800 000 000 | 800 | 1120 | 2500 |

### Лотлар рўйхати

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишни охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | |
| | ЖАМИ | | 700 | 29 | 700 | | | | | |
| Фарғона вилояти | | | | | | | | | | |
| 1-ОТБ | Бувайда тумани | Қоратепа | 48 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 2-ОТБ | | | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 3-ОТБ | Данғара тумани | Каттатурк | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 4-ОТБ | Қува тумани | Қақир | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 5-ОТБ | Қўштепа тумани | Хумдон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 6-ОТБ | Олтиариқ тумани | Қапчиғай | 48 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 7-ОТБ | | | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.00 |
| 8-ОТБ | Риштон тумани | Марказ | 264 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 9-ОТБ | | | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 10-ОТБ | | | | 1 | 24 | 3 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 11-ОТБ | | | | 1 | 24 | 4 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 12-ОТБ | | | | 1 | 24 | 5 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 13-ОТБ | | | | 1 | 24 | 6 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 14-ОТБ | | | | 1 | 24 | 7 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 15-ОТБ | | | | 1 | 24 | 8 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 16-ОТБ | | | | 1 | 24 | 9 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 17-ОТБ | | | | 1 | 24 | 10 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 18-ОТБ | | | | 1 | 24 | 11 | | | | 2020 йил 27 июль, 11.30 |
| 19-ОТБ | Тошлоқ тумани | Хотинқуми | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.00 |
| 20-ОТБ | Сўх тумани | Чашма | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.00 |
| 21-ОТБ | Ўзбекистон тумани | Мингтут | 48 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.00 |
| 22-ОТБ | Ўзбекистон тумани | Мингтут | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.00 |
| 23-ОТБ | Фарғона тумани | Миндонобод | 124 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.30 |
| 24-ОТБ | | | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.30 |
| 25-ОТБ | | | | 1 | 24 | 3 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.30 |
| 26-ОТБ | | | | 1 | 24 | 4 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.30 |
| 27-ОТБ | | | | 1 | 28 | 5 | | | | 2020 йил 27 июль, 12.30 |
| 28-ОТБ | Фурқат тумани | Ғунча | 48 | 1 | 24 | 1 | | | | 2020 йил 27 июль, 13.00 |
| 29-ОТБ | | | | 1 | 24 | 2 | | | | 2020 йил 27 июль, 13.00 |

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения, соответствующих сооружений и сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-02**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1 162 п.м. подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и монолитного железобетонного резервуара (ёмкостью 100 м³) в Сырдарьинской области.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу, в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.<br>**Телефон:** (67) 227-64-84.<br>**Факс:** (67) 227-64-42. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориальному консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Банк:** Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД<br>**Р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001<br>**ИНН:** 202 585 476 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.<br>**Телефон:** (67) 227-64-84.<br>**Факс:** (67) 227-64-42. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность сетей водоснабжения (п.м.) | Монолитный ж/б резервуар | | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во | ёмкостью ___м³ | | |
| по Сырдарьинской области | | 2 | 1162 | 1 | | 3 месяцев | 27 июля 2020 года, 12.00 |
| ИБР-92 | Баяутский | «Янги хаёт» | 976 | | | | |
| | Гулистанский | «Юлдуз» | 186 | 1 | 100 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Укладка сетей водоснабжения из полиэтиленовых труб диаметром от 100 до 300 мм | | Строительство монолитных ж/б резервуаров ёмкостью не менее ___м³ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | со скоростью не менее ___ км за один месяц | общей протяжённостью более ___ км | |
| Сырдарьинская | ИБР-92 | 800 | 200 | 500 | 3 | 800 | 100 | 1 | 1 | 100 |

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти худудий бошқармаси қуйидаги объектлар бўйича салоҳиятли пудратчи ташкилотларни

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Тупроққалъа тумани, «Нукус» ва «Саримой» МФЙларда ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 8 808 135 834 | 365 |
| 2. | Хазорасп тумани марказида ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 8 503 775 017 | 365 |

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти худудий бошқармаси.

**Манзили:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджетлари маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 7 июль куни, соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 8 июль куни, соат 10.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

# «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ

## бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига АТБ «ASIA ALLIANCE BANK»нинг 2020 йил 24 июндаги 2507/21-14-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 4-уй манзилида **умумий** – 372,04 квадрат метр ер майдонида жойлашган, шу жумладан қурилмалари майдони – 1 340 квадрат метрдан иборат, **бошланғич нархи** – 6 801 000 000 сўм бўлган маъмурий бино шаклидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2020 йил 27 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳар Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 27 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 11 ва 26 август кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16 00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш ҳамда кўчмас мулкнинг сотув қийматидан 15 фоиз миқдорида ҚҚС тўлаш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси натижаларига асосан ғолиб харидор савдо ташкилотчисига мулк сотув қийматидан 1 фоиз миқдорида тўлов тўлаш мажбуриятини олади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ АТ «Xalq bank» Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими ҳ/р: 2020 8000 1007 5716 6001 МФО 01132 СТИР 304 802 952.

**Манзил:** Тошкент шаҳар Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34 уй.

**Телефон:** 71-236-25-53.

**Веб-сайт:** www.capitaltrust.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR–0298-сонли лицензия.*

# «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ

## бошқаруви раиси лавозимига танлов асосида номзодни танлаш бўйича

## ЭЪЛОН!

### Номзодга қўйиладиган талаблар:

- олий техник ёки иқтисодий-муҳандислик маълумотига эга бўлиши;
- раҳбарлик лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, шу жумладан алкоголли ва алкоголсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ташкилотларида;
- технологик ва автоматик ишлаб чиқариш ускуналарининг муваффақиятли ишлаши, шу жумладан алкоголли ва алкоголсиз маҳсулотларни қуйиш тажрибаси;
- меҳнатни ташкил этишнинг бозор шаклларини жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва линияларидан самарали фойдаланиш қобилияти;
- савдо кўргазмаларини ташкил этиш-қатнашиш, озиқ-овқат ва қадоқлаш ускуналарини сотиб олиш, экспортни ва логистикани таъминлаш тажрибаси;
- кузатув кенгаши аъзолари ёки Жамият раҳбарлари билан бирон-бир қариндошлик алоқалари йўқлиги;
- иқтисодий ёки менежмент соҳасидаги жиноий иш қўзғатилмаганлиги, шу жумладан чет элга чиқишга чекловлар йўқлиги;
- юқори даражадаги алоқа маданияти, назокат ва интизом, қатъийлик, ҳалоллик ва стрессга бардошлилиги;

### Чет тилларини билиш:

- **резидент учун:** ўзбек тили – равон, рус тили – равон, инглиз тили ёки немис тилларида сўзлашув қўллаб-қувватланади;
- **норезедент учун:** рус тилини биладиган – равон, ўзбек, инглиз ёки немис тилларида сўзлашув қўллаб-қувватланади.

### Компьютер билими:

- MS Office да ишончли фойдаланувчи ёки (мукаммал билиши).

### Лавозим вазифалари:

- жамият фаолиятини бошқариш, самарали, барқарор ва даромадли ишни ва унинг ривожланишини таъминлаш;
- бизнес-режалар ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шунингдек, уларнинг қатъий бажарилишини назорат қилиш;
- маблағлар тақчиллигини қоплаш, Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва шартномавий мажбуриятларни бажариш чораларини кўриш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган миқдорда, шунингдек, ижтимоий соҳада Жамиятнинг даромадини таъминлаш;
- ишчилар (ходимлар) учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шартномаларига риоя этилишини таъминлаш;
- амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармонлари, ҳамда жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

### Асосий иш шароитлари:

- Иш тартиби: 5/2, 8.00 дан 17.00 гача. Доимий иш.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ рўйхатдан ўтиш.
- **Иш ҳақи:** штат жадвалига мувофиқ + Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва бозор механизмларига мувофиқ тўловлар

### Конкурснинг махсус шартлари:

- номзодлар бир хил балл тўплаган тақдирда, хорижий менежерга устунлик берилади.

### Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш:

- лавозимга (номзод) даъвогарларнинг ҳужжатлари:
- резюме ёки справка-объективка;
- диплом ва сертификатлар нусхаси;
- судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;
- тавсиянома резидентлар ва норезидентлар учун;
- шунингдек, меҳнат дафтарчасининг нусхаси резидент учун.

**Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар конвертга солиниб, муҳрланган ҳолда нуқсонларсиз бир нусхада қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй («Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖнинг маъмурий биноси).

**Боғланиш учун шахслар** – жамият ходимлар бўлими мутахассиси Сафаров Феруз (**тел.:** 97-588-83-00) ҳамда юридик хизмат мутахассиси Бўриев Искандар (**тел.:** 98-777-20-40).

**Ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 8 июль куни, маҳаллий вақт билан соат 18.00 гача.

**Телефон:** 75-521-25-25.

# ХАБАРНОМА

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

2020 йил 15 июнда ташкиллаштирилган очиқ аукцион савдосида «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖ ҳудудидан келажакда қуриб битказиладиган енгил конструкцияли қуйидаги шартнома тузиш ҳуқуқлари сотилганини маълум қилади:

1-павильондаги 1-2-сонли савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси** – 77 625 000 сўмдан. **Сотилиш баҳоси** – 89 297 500 сўмдан;

2-павильондаги 1-2-3-4-сонли савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси** – 63 425 000 сўмдан. **Сотилиш баҳоси** – 72 967 500 сўмдан;

2-павильондаги 5-сонли савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 98 550 000 сўм. **Сотилиш баҳоси** – 113 390 000 сўм;

2-павильондаги 6-сонли савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 131 350 000 сўм. **Сотилиш баҳоси** – 151 110 000 сўм;

2-павильондаги 7-сонли савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 77 625 000 сўм. **Сотилиш баҳоси** – 89 297 500 сўм.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ЛАҲЗАЛАРНИ ТАСВИРГА МУҲРЛАЁТГАНЛАР

**Ростмана журналистиканинг нони тошдек қаттиқ. Миллий журналистика ривожида наинки қалам аҳли, балки соҳага меҳнати сингган қанчадан-қанча моҳир мутахассисларнинг ҳиссаси бор, албатта.**



Бошқаларни билмадиму, лекин мен негадир фотомухбирларга осон тутиб, ишини жуда енгил деб ўйлардим. Белгиланган объектга боради-ю «қарс-қурс» қилиб, фотоаппаратини шақиллатиб, бир дунё сурат ишлайди. Лекин фотографларга осон эмаслигини телефон воситасида табиат манзаралари ёки яқинларимни тасвирга тушириш асносида теранроқ англай бошлайман. Телефоним галереясидаги ўзим олган юзлаб фотосуратларни кўздан кечираману, бироқ уларнинг ҳеч бири профессионал сураткашнинг ақалли биргина қоралама ёки хомаки ишига ҳам тенглашолмаслигини яна бир карра ҳис этаман.

Рости, кўпларимиз муайян нашрдаги материални ўқишдан аввал ундаги фотосуратларга бир қур назар ташлаб оламиз. Маъно-мазмуни энг зўр бўлган мақола ҳам фотосуратлар билан янада ўқимишли, ҳам жозибали. Бўшроқ материални ҳам яхши фотосурат очиб юборади. Моҳир фотомухбир олган битта яхши сурат бор жараённи ғоят гўзал ва ҳаққоний, холис тарзда очиб бериши мумкин. Нур ва соянинг «тили», ўзаро муносабатларини тўғри илғаш, керакли лаҳзаларни эпчиллик билан «тутиб», уни тасвирга муҳрлаш, муайян воқелик моҳиятининг мағзини биргина тасвир билан одамларга етказа билиш фотоижодкордан катта маҳорат, тажриба, мисли кўрилмаган зийракликни, эпчилликни талаб этади.

Юртимиз фотография санъати ҳам ўз анъаналарига эга. Ҳар бир фотоустанинг ўз услуби, ўзига хос ижодий ёндашуви бор. Абдуғани Жумаев ижодида эртага тарихга айланувчи лаҳзаларни бетакрор бадиий талқинда тасвирга муҳрлаш устувор бўлса, Рустам Шарипов ишларида самимият, романтика ҳаётий лавҳаларга уйғунлашиб кетади. Рустам Шагаев олган суратлар кутилмаган самимият, илиқлик, табиийликка йўғрилган. Одамзот она табиатнинг ажралмас қисми экани, борлиққа чексиз меҳр-муҳаббат Ҳасан Пайдоев ижодида устувор. Бундай сўзларни яна кўп маҳоратли фотоижодкорлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида фаолият кўрсатаётган фотомухбирлар юртимиз фотожурналистикасига баҳоли қудрат муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ғоят камгап, камсуқум, ишининг кўзини биладиган фотомухбирларимизнинг ким билландир гап талашиб, гап тўзитганини, ўзини барчадан устун билганини, манманлик қилганини сира эслолмайман. Доим меҳнат билан банд бу ҳамкасбларимиз ўзаро жуда аҳил, ҳамжиҳат. Фотомухбирлар учун улар олган турфа, бетакрор фотосуратлар сўзлайди.

Катта тажрибага эга Алимурод Мамадаминов спортнинг шаҳду шиддатини, мусобақалардаги қайноқ, қизғин муҳитни, ғалаба нашъасию мағлубият аламларини, зафарли онларни тасвирга усталик билан кўчира олади. Аъло Абдуллаевнинг жаҳоннинг турли давлатларидан тайёрлаган фоторепортажлари бир оғиз сўзсиз ўша юртнинг ҳаёт тарзи, унинг кунлик нафаси, анъаналари, тараққиёт даражаси, шаҳарсозлигию меъморчилиги, маъмурлигидан сўзлайди. Отабек Мирсоатов маданий тадбирлардаги ижобий қувватни, ижод завқини томошабинларга усталик билан етказа олади. Фарҳод Абдурасуловнинг миллий қадриятларимиз, болаларга меҳри унинг таълим-тарбия, маънавий-маърифий мавзудаги суратларида зоҳир. Оқил Ғуломов табиатидаги оддийлик, жайдарилик, эзгуликка ошнолик унинг ижод намуналарида акс этади. Жойларда кечаётган тезкор жараёнларни тасвирга туширишда вилоятлардаги фотомухбирларимиз ҳам фаол ҳисса қўшмоқда.

Яқинлашиб келаётган касб байрами арафасида уларга янги илҳом, ижод завқи, юксак парвозлар тилаймиз.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Нажот» газетаси ҳақида биласизми?

**«Нажот» газетаси 1917 йилнинг 23 мартидан ўша йилнинг июнига қадар фаолият юритиб, Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг нашри сифатида дунёга келган.**

Мунаввар қори Абдурашидхонов муҳаррир бўлган ушбу газета Абдулла Авлонийнинг ёзишича, чор ҳукумати зулмидан қутилиш учун «Нажот», деб номланган. Газетанинг маслак ва мақсадини ифодаловчи «Хитобнома»сида «Бизнинг шиоримиз – мусулмонлар бирикингиз. Биз мусулмонлар аксари «демократ», яъни авом аталган халқдан иборатдир... Синфларнинг фарқлари мусулмонлар орасида жуда заиф, бизнинг камолотимиз шундадир. Камчилигимиз ҳам шунда, синфларнинг фарқлари сиёсий ҳаётни жуда кучайтирадир, унинг фазилати шундадир. Лекин ул миллатни бўладир – онинг камчилиги шундадир, биз фазилатимизни орттирайлик, камчилигимизни тугаллатайлик. Яшасин зўр ислом дунёси», дейилган.

Шу ўринда «Нажот»нинг мавжуд сонларини варақлаймиз. Унинг 10-сонида Салоҳиддин Муфтизоданинг «Сукут қилинг! Соҳиби сарватларнинг нидоси» мақоласига раддияси босилган. Мақола муаллифи мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, большевикларни ташаббусни ўз қўлларига олишга чақиради, камбағал қатламларни бойларга қарши қўяди. С. Муфтизода бунинг оқибатини олдиндан кўргани ҳолда давлатманд инсонларга мурожаат қилиб, халқ орасида нотинчлик ва ҳукуматга ишончсизликнинг тарафдори бўлган кучларнинг ғаразли мақсадидан огоҳлантиради. Бозорларни арзонлаштириш, халқнинг энг зарурий муаммоларини зудлик билан ҳал этишга чақиради. «Нажот»нинг 12-сонида С. Муфтизода «Таҳқиқсиз саджоқат» мақоласини «Мен «Турон» жамияти аъзосиман, тараққийпарварман. Тараққийпарварлик дин ва шариат ила қойимдир», деб бошлайди. Шундан сўнг мақсадга ўтиб, газетанинг аввалги сонида ўзини тараққийпарвар, деб таништирган Ҳусайиновнинг «Туркистанский курьер» газетасини тараққийпарварларга хизмат қилган газета сифатида таништиришига қарши чиқади. Аксинча, бу газетанинг Туркистондаги миссионерлик фаолиятига оид мақолаларини мисол келтириб, Ҳусайиновнинг ўзини таназзулпарварликда айблайди.

Ўша даврларда босма нашрлар ўз сўзи, ўрнига эга бўлган мутахассисларнинг мақолаларини чоп этарди. Керак бўлса, ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган эди. Лекин уларга ҳам босимлар, қаршиликлар, мақолаларга раддиялар берилган. Аммо ўқувчи ўзи учун керакли хулосани чиқариб олишига имконият яратилган.

Мардикорликдан қайтганларнинг бир қисми аллақачон большевиклар таъсирига тушиб қолган эди. Улар ўз хабарлари ва маълумотларида айни шу масалага эътибор қаратади. «Қардошлик ҳисси» номли хабарда Андижондаги «Айнул Ислом» жамияти 5 май куни Еттисувдаги очликни муҳокама қилиб, 4 кишилик комиссия қирғиз қардошлар учун иона йиққани ва 12 май куни «Айнул Ислом» раиси мулло Заҳриддин Аълам 427 сўмни почта орқали муҳтожларга йўллаганини хабар беради. Шунингдек, Мулло Абдураҳмон Абдулқайюм ўғли Хўжандда Ҳожи Ҳомид мулло Қосим ўғлининг бозорга уруғлик чиқариб текинга тарқатгани, Тошкентдаги «Гулистон» жамиятининг мактаб ва мадрасаларда ўқиётган ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамга муҳтож ёшларга кўмакка тайёрлиги ҳақида хабар беради.

Қўқонда Имомназар қори Али Назар ўғлининг Миср, Истанбул, Байрут ва татар нашрларида чиққан янги китобларни олиб келиб, «Замон» номли кутубхона очгани ва 3 май куни Қўқонда «Ҳуррият» номида нашриёт ширкати таъсис этилгани ҳақида ёзилади.

Шокиржон Раҳимийнинг «Ш. Р.» имзоси остида ёзган «Ҳурриятдан нечук фойдаланамиз?» мақоласи «Остроумов бобой миссионер Туркистонни қалин кўрпага ўраб ухлатишда ўзига «қадимчи уламолар»ни дўст этди», деган хулосаси билан аҳамиятли бўлса, Ғулжалик Тошмуҳаммад ал Ноамий ўз мақоласида «... ҳеч бир хаёлимизга келмаган ушбу шодлик ва ҳуррият ила жумла диндош ва ватандошларимизни чин кўнглимдан табрик қиламан. Туркистон зиёлиларидан ўтинаманки, ҳар хусусда хизматларини аямай ватанимиз бўлган Туркистон учун ҳар бир фойдалик ишларни ишлашга, шундоғ вақтда ҳар бир минутни зое қилмасдан мумкин қадар тезлик ила ватанимизга энг зарурий бўлган ҳар бир камчиликларимизни тўлдирмоқ ва шул мақсадда ҳурриятдан фойдаланмоқ йўлларини қидирсалар. Аҳолини ҳурриятдан огоҳлантириб, ҳурриятнинг нима эканлигини ва қанча йилдан бери тортиша-тортиша ниҳоятта кўп қон тўкилганидан кейин келиб чиққан бул ҳурриятнинг қадрини билиб, замонага мувофиқ ишлар қилишга йўлбошчи бўлсалар. Ҳам мумкин қадар хизматларин аямай халқ орасинда бирлик фикрини тарқатиб бирлаштирмак ҳамда шул бирлашув орқасинда ҳар бир диний ва миллий ишларни йўлга солмоқ, мактаб ва мадрасаларимизни эски қўйича қолдирмай, замонага мувофиқ кенг программали қилиб ислоҳ қилмоқ, миллий матбуот хусусида ҳар бир бўлган оғриқларни йўқ қилиб, газета-журналлар нашрига киришмакдир», деган фикрлари билан аҳамиятлидир.

Хуллас, бу газетанинг бор-йўғи 20 та сон чиққан. 5 та сони анча абгор ҳолда бўлса ҳам кутубхоналаримизда мавжуд. Келгусида унинг қолган сонларини жамлаб, тадқиқ этишга муяссар бўлармиз.

**Баҳром ИРЗАЕВ,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.**

*«O'zbekiston bunyodkori» газетаси жамоаси барча ҳамкасбларни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайди. Шарафли меҳнатларингизда барчангизга юксак ижодий парвозлар тилаймиз.*

БИР ХАТ ИЗИДАН

**Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганига мувофиқ Булунғур туманида катта бунёдкорлик ва қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.**

# ИЗТИРОБГА ШЕРИКЛАР БОРМИ?

Давлат дастурига мувофиқ бир қатор инфратузилма объектлари, аҳолига арзон уй-жойлар, профилактика инспекторлари учун хонадонлар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари уйлари, ижтимоий-маданий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани эътиборга сазовордир. Туманда 2017 йилда 3 та маҳаллада учта пудрат ташкилоти томонидан бошланғич тўлов бадали 852 миллион сўм бўлган 32 та икки қаватли, 4 подъездли 16 та хонадонли иморат, 25 та икки сотихли 1 қаватли икки ва уч хонали, жами 57 та уй-жой барпо этилиб, фуқароларга совға қилинганида Булунғур аҳли қалби қанчалик қувончга тўлганини эслашнинг ўзи кифоя. Янги турар жойларга газ, электр энергияси, ичимлик сув тортилгани, канализация тармоғи яратилгани, ички йўллар қурилганини кўриб кўпчилик «орзуимиз ушалгани шу бўлса керак», дея роса хурсанд бўлган эди.

2018-2019 йилларда эса бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари янада авж олдирилиб, Меҳнатобод, Ғўбдин, Олмазор маҳаллалари, Булунғур шаҳри ҳудудида аҳолига арзон, яшаш учун қулай турар жойлар қуриш давом эттирилди. «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳа-смета ҳужжатларини якунлаш «Булунғур олтин сув», «Гашсан лазиз», «Ғанибек қурувчи» каби анчайин тажриба орттирган қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилди. Очиғи, ўшанда ҳам булунғурликлар туманнинг обод ва кўркам масканга айланиб бораётганидан, кўримсиз қишлоқлар ўрнида замонавий, шаҳарга хос бинолар қад ростлаётганидан чексиз фахрланадилар.

Афсуски, «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Меҳнатобод» қишлоғида яшовчилар шодлиги узоққа чўзилмади. Акс ҳолда ҳаловатдан кечган 4 қаватдан иборат 2 та 48 квартирали уй-жой эгалари бугунги кунда буюртмачию лойиҳачилар фаолиятидан норози оҳангда турли идораларга шикоят ёзиш билан шуғулланмаган бўлармидилар!?

«2019 йилда фойдаланишга топширилган хонадонларга орадан кўп вақт ўтмасдан кира олмай қоляпмиз, – дейилади 20 нафардан зиёд фуқаро имзо чекиб таҳририятга юборилган мактубда. – Бунинг биринчи сабаби мазкур уйлардан чиқаётган оқова ва канализация сувлари қишлоқ ҳудудидан оқиб ўтувчи Мелиоратив экспедиция балансидаги «Болота – 8» коллекторининг ПК4+00 қисмига тўғридан-тўғри зарарсизлантирилмай ташлаб қўйилгани билан боғлиқ. Натижада атроф-муҳит ифлосланиб, нохуш ҳид одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, коллектор сув яроқсиз ҳолга келиб, экологияга зиён етказяпти. Энг ачинарлиси, уйларнинг канализация сувларини фильтрлаш мақсадида бунёд этилган тозалаш иншооти ва қудуқ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 981-сонли қарорига зид равишда қурилгани бизда ташвиш уйғотмоқда».

Хуллас, аҳолининг мурожаати бўйича республика Сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Қурилиш вазирликлари, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси, Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибияти, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вилоят бошқармаси, вилоят «Сувоқова» бошқармаси, «Қишлоққурилишинвест» ИК МЧЖ вилоят филиали, Самарқанд вилояти прокуратураси, давлат эпидемиология осойишталик маркази, Булунғур тумани ҳокимлиги ҳамда туманнинг мазкур масалага тааллуқли барча ташкилотлари вакиллари ўз муносабатларини билдириб, эътироз ўринли эканини тасдиқлаган бўлишса-да, муаммо ҳамон бартараф этилмаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Аҳоли эса у идорадан бу идорага бориш, ҳар хил мантиқсиз жавобларни эшитишдан чарчади. Ўз вақтида тегишли хулосалар олинмасдан бошланган хайрли ҳаракат эндиликда буюртмачи ташкилотнинг ўз бошига бало келтираётганини четда турган киши ҳам сезиши қийин эмас. Бунинг устига кўп ҳолларда қарорлар, экспертиза хулосалари мавжуд меъёрий ҳужжатларга мос тушмагани энсани қотиради.

Шу ўринда яна бир гап. Маҳалла аҳли юқоридаги муаммони ҳали ҳал этиб улгурмасидан жорий йилда ушбу ҳудудда яна битта тўрт қаватли 24 хонадондан иборат уй-жой қурилиши бошлаб юборилди. Аслида республика ҳукуматининг тавсиясига кўра қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган лалми, олис, шароити оғир манзилларда барпо этилиши лозим бўлган иморатлар нега энди мазкур обод, аҳолининг томорқаси гуллаб-яшнаган маконда қад ростлаётганига ҳеч ким эътибор қаратмаётир. Ваҳоланки, туман солиқ инспекцияси маълумотномасига кўра ҳам «Меҳнатобод» «қишлоқ жойларда жойлашган сувли ер» ставкасига киритилиб, ер солиғи ундирилаётгани барчага аён. Шундай экан, Булунғур тумани ҳокимлиги мутасаддилари масаланинг лоақал шу жиҳатига аҳамият қаратишмаётганини қандай тушуниш мумкин!?

Ўзибўларчилик, «бор отангга, бор онангга» қабилидаги иллат «қолип»га сиғмай турган бир пайтда бу хатти-ҳаракат аҳолининг жиғига тегишдан бошқа нарса эмас. Бундай уй-жойлар қуриш учун аслида Булунғурда захирадаги лалмикор ер бисёр бўлса керак. Наҳотки, мана шундай вазиятга оқилона, холис баҳо бериб, юзага келган келишмовчиликни бартараф этиш, муаммони ижобий ҳал қилиш шу қадар мушкул вазифа!? Ахир, муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланаётган ҳар бир қарор ва фармон замирида, аввало, инсон омили, унинг тинч, осойишталиги, розилиги билан иш тутишдек катта маъно мужассам эканини унутмаслик лозим.

Биз раҳбарларнинг ушбу масалага қатъият билан холисона ёндошиб, аниқ ва пухта ечим топишларидан, эл ташвиши, изтиробига шерик бўлиб, жўяли фикр айтишларидан умидвормиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

*Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 3 июль куни чиқади.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-653.
2146 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 22.50. Топширилди – 00.30.

1 2 3 4 5 6